

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

*Кўлёзма ҳуқуқида*  
УДК: 370(09); 371.3; 378.937(575.1)

**АБДУЛЛАЕВА Насиба Жўраевна**

**ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИҚТИСОДИЙ  
ТАРБИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси

Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий  
даражасини олиш учун ёзилган диссертация

**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2010

**Иш Бухоро давлат университетида бажарилган**

**Илмий раҳбар:** иқтисодиёт фанлари номзоди,  
профессор **Хошимов Комилжон**

**Расмий оппонентлар:** иқтисодиёт фанлари доктори  
**Юзликаев Фарит Рафаилович**

педагогика фанлари номзоди  
**Усмонбоева Маҳфузा Ҳакимжоновна**

**Етакчи ташкилот:** **Фарғона давлат университети**

Ҳимоя 2010 йил “\_\_\_\_” соат \_\_\_\_ да Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги К.067.44.03 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш ийғилишида ўтказилади. Манзил: 100138, Тошкент, Кичик ҳалқа йўли кўч., Г-9а мавзеси, 21-а. Тел.: 275-77-95.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (100138, Тошкент, Кичик ҳалқа йўли кўч., Г-9а мавзеси, 21-а. Тел.: 275-77-95 )

Автореферат 2010 йил “\_\_\_\_” да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган кенгаш  
илмий котиби, педагогика фанлари  
номзоди, доцент

**К. Набиева**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ МАЗМУНИ

**Мавзунинг долзарбилиги.** Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги равнақ топиб, барча соҳаларда юксак ишлар амалга ошириб келинаётган шу кунларда таълим соҳасида ҳам уни ислоҳ қилиш борасида самараали натижаларга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари ёшларни комил инсон, баркамол шахс сифатида тайёрлаш, миллий таълим-тарбия мазмунини янада такомиллаштириш, малакали кадрларни тайёрлаш ҳамда педагогик илмий-тадқиқотларни ташкил этиш борасидаги тажрибаларни ўрганиш орқали педагогик тизим самарадорлигини ошириш муҳим ижтимоий масалалардан бири эканлигини кўрсатмоқда. Таълим-тарбия тизимини тубдан янгилаш ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишининг асосий шарти бўлиши лозимлигига эътибор қаратар экан, Республика Президенти И.А.Каримов қўйидагиларни таъкидлайди: “Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган.

Албатта, таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни ҳалқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилdir. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди”<sup>1</sup>.

Ўзбек педагогикаси ёш авлодни тарбиялаш, уларга билим бериш асосида муайян касб ёки ҳунар сирларидан хабардор қилиш, малакали мутахассисларни шакллантириш соҳасига оид тарихий тажрибани ўзида мужассам этади. Тарихий тараққиёт жараёнида шаклланган шахсни ривожлантириш тўғрисидаги назарий ғоя, ёндашув ва қарашлар асрлар давомида мазмунан бойиб борган. Бунда бевосита педагогик фаолиятни ташкил этган ёки ёш авлодга таълим-тарбия бериш ҳақидаги асарларни яратган шахслар катта ўрин тутган. Уларнинг роли туфайли айни вақтда аждодлар маърифий ва тарбиявий ғояларидан хабардор бўлиш билан бирга миллий педагогик фикрлар ривожини ўрганиш имконияти мавжуд. Бу эса ўз навбатида миллий педагогик фикрлар ривожини таъминлашда муносиб ўрин эгаллаган шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятларини ўрганишда муҳим вазифалардан бири саналади.

Миллий педагогиканинг шаклланиши ва ривожланишида ҳалқона ёндашувлар (ҳалқ оғзаки ижоди намуналари, аждодлар ўғити ҳамда панд-насиҳатлари, катталар ибрати, шунингдек, кенг жамоатчилик таъсирига таяниш) муҳим аҳамият касб этган бўлса, шу билан бирга шахсга таълим-тарбия бериш мазмуни (устувор тамойиллари, йўллари, шакллари, методлари, воситалари) тўғрисидаги қарашлар бир гурух алломалар томонидан янада бойитиб келинган. Миллий маданий мероснинг ёш авлодни тарбиялашдаги аҳамияти хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қўйидаги фикрни илгари сурди: “Наслу наасбини билмаган киши инсон саналмайди. Неча йиллар бизни тарихимиздан, динимиздан, маънавий меросимиздан ғофил этишга уриндилар. Аммо биз ҳурриятни орзу этишдан, ҳуррият учун курашишдан чарчамадик. Маслагимизни, наслу наасбимизни доимо ёдда сақладик. Улуғ бобокалонларимиз руҳига, башарият тарихи ва маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган улуғ аждодларимизга, улар колдирган улкан меросга муносиб бўлиш истаги жамиятимиз аъзолари орасида кенг ёйилиши, ҳар бир фукаронинг онгидан мустаҳкам жой олиши – бу ҳам янги замоннинг муҳим хусусияти”<sup>2</sup>.

Миллий мустақилликка эришгунга қадар таълим-тарбия ишларини йўлга қўйишда Европа педагогикаси ғоялари асос қилиб олинган ва илмий-педагогик жиҳатдан ўрганиб келинган.

Истиқтол республика педагогик жамоатчилиги олдига миллий педагогикани мукаммал ўрганиш орқали шахс камолотини таъминлашда самараали бўлган кўплаб таълимий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. - 60-61-бетлар.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ижобий ишларимизни охирiga етказайлик. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 9-бет.

ва тарбиявий ғояларнинг асоси бевосита Шарқда шаклланганлигини илмий асослашдек муҳим вазифани кўйди.

Ўтган асрда шаклланган кўп сонли педагоглар жамоасининг етакчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Сиддиқ Ражабов саналади. Маҳоратли педагог илмий фаолиятида педагогика фанининг методологик муаммолари, одоб-ахлоқ ва тарбия масалалари, олий таълим дидактикаси, педагогика тарихини ўрганиш ва унинг ривожланиш истиқболларини таҳдил этиш, шунингдек, ҳар томонлама етук инсонларни тарбиялаш масалалари марказий ўринни эгаллаган.

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида Сиддиқ Ражабовнинг педагогик фаолияти ва илмий меросини ўрганиш борасида қуйидаги камчиликлар мавжуд эканлиги аниқланди:

- тажриба-синов ишларига жалб этилган респондентлар мисолида аниқланишича, педагогика олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган аксарият ёш ўқитувчилар, шунингдек, талабалар Сиддиқ Ражабов шахси ва педагогика фанини ривожлантиришдаги хиссаси ҳакида етарли маълумотга эга эмаслар;

- XX асрда педагогика фанининг ривожланиш тарихини ўзида ифода этган илмий манбаларда Сиддиқ Ражабовнинг педагогик ҳамда илмий фаолиятини ёритувчи маълумотлар кам;

- мавжуд педагогик манбаларда педагог кадрларни тайёрлаш ва касбий малакаларини ошириш, ахлоқий тарбияни самарали ташкил этиш, умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятини режалаштириш, олий таълим мазмунни, таълим-тарбиянинг шахс камолотидаги ўрни, ўсмир-ёшларни касбга йўналтириш, педагогик фаолиятда назария ва амалиёт бирлигига эришиш, шахс дунёқарашини шакллантириш, ўқувчилар ўртасида ижтимоий-гоявий тарбияни йўлга қўйишга оид мавзулар мазмунида Сиддиқ Ражабовнинг бу борадаги хизматлари акс этмаган;

- XX асрнинг иккинчи ярмида республикада умумий педагогика, педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини таъминлаш, уларнинг собиқ Шўролар даврида Олий аттестация комиссияси томонидан маъқулланишига эришиш, шунингдек, хорижий давлатлар етакчи тадқиқотчилар ишларининг Ўзбекистонда ҳимоя қилиниши борасидаги ҳамкорлик фаолиятининг йўлга қўйилишидаги Сиддиқ Ражабов хизматларини муносиб баҳоланишига эътибор қаратилмаган.

Мазкур ҳолатлар маҳоратли педагог ҳаёти ва фаолиятини кенгроқ ёритиш мақсадга мувофиқ эканлигини тасдиқлади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тоталитар тузум даврида таълим тизимининг мазмуни, устувор йўналишлари, ёш авлодни тарбиялаш борасидаги етакчи ғоялар хукмрон мафкура талаби нуқтаи назардан белгиланган бўлишига қарамай, Ўзбекистон шароитида табиий фанлар билан бир қаторда ўзбек адабиёти, фалсафа, санъатшунослик ҳамда педагогика каби ижтимоий-гуманитар фанлар асосларини ёритишда миллий маданий мерос намуналари, миллий қадриятлар ва миллий турмуш тарзини ифодаловчи қарашларга таянишга бўлган уриниш мавжуд эди. Жумладан, Ҳ.Сулаймонов, Н.М.Маллаев, Ф.Сулаймонова (ўзбек адабиёти), Э.Ю.Юсупов, М.Хайруллаев Ж.Т.Туленов (фалсафа), М.Алавия (санъатшунослик), З.Ф.Миртурсунов (педагогика) кабилар томонидан яратилган манбаларда миллий маданий меросни ўрганиш, уларда илгари сурилган ғоялардан ўқувчи ва талабаларни таништиришга эътибор қаратилган.

Сиддиқ Ражабовнинг педагогика фанини ривожлантириш, юксак педагогик маҳоратга эга кадрларни тайёрлаш, умумий ўрта таълим мактаблари фаолияти ҳамда таълим соҳасини ислоҳ қилиш, шунингдек, ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялаб вояга етказиш борасидаги фаолияти ўз даврида олимнинг бир гуруҳ шогирдлари томонидан чоп эттирилган илмий-оммабоп мақола ва рисолалар билан бирга ўқув дарслкларида ҳам қисман ёритилган.

Академик Сиддиқ Ражабовнинг педагогик, илмий ва раҳбарлик фаолияти ўша даврда қўшни республикаларда яшаб, педагогик фикрлар тараққиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган бир қатор олимлар томонидан юкори баҳоланганди. Хусусан, Т.Бердиев

(Туркманистан), С.А.Ражабов (Тожикистан), А.Э.Измайлов (Қирғизистон)<sup>3</sup> ва бошқалар Сиддиқ Ражабовни маҳоратли педагог, етук олим, қобилиятли раҳбар ва атрофдагиларга ибрат бўла оладиган шахс сифатида эътироф этадилар.

Сиддиқ Ражабовнинг педагогик фаолияти, унинг самарадорлигини таъминлаган ғоялари ва “Педагогика” фани ривожига кўшган ҳиссаси бир қатор олимлар К.Хошимов, С.Очил ҳамда С.Нишоновалар томонидан ҳаммуаллифликда нашр этилган дарсликларда ўз ифодасини топган бўлса, унинг муаллифлигига нашр қилинган дарсликлар, илмий тадқиқотлари натижалари, илмий-оммабоп мақолалари, муҳаррирлик фаолияти, шунингдек, бевосита раҳбарлигига ҳимоя қилинган докторлик ва номзодлик тадқиқот ишлари Н.Н.Азизхўжаева, А.Г.Акопян, У.И.Маҳкамов, Е.Г.Шайнларга тегишли бўлган рисолаларда ўрганилган.

Маҳоратли педагогнинг турли йилларда ўзига хос долзарблиқ касб этган педагогик муаммолар, уларнинг йўналишлари, замонавий дарсликларни яратишга қўйилган талаблар, педагогика назариясининг муҳим қисми бўлган дидактика, фанларни ўқитиши методикаси, олий таълимни ташкил этишда устувор ўрин эгалланган тамойиллар борасидаги қимматли фикрлари ҳамда Шўро тузуми даврида “Педагогика” фанидан илк бор ўзбек тилида дарслик яратишга кўшган ҳиссаси С.Нурматов томонидан таҳлил қилинган. Академик Сиддиқ Ражабовнинг Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантириш, умумий таълим мактаблари фаолиятига оид муаммолар ва малакали педагог кадрларни тайёрлашдаги роли М.Ҳайдаров ишларида ўз инъикосига эга бўлган.

Олим илмий-педагогик қарашларининг ўзига хос жиҳатлари, етакчи педагоглар илфор иш тажрибаларини тарғиб этишга доир ёндашувлари А.Зуннунов томонидан тадқиқ этилган.

Тадқиқот мавзусининг назарий таҳлили бугунги кунда Сиддиқ Ражабов педагогик фаолияти ҳамда илмий-педагогик мероси тизимли, мажмуавий тарзда тадқиқ қилинмаганлигини кўрсатди. Шу билан бирга мустақиллик даврида миллий педагогиканинг ривожланиши, ёшлар маънавиятини юксалтиришда аждодлар меросидан фойдаланишга катта эътибор қаратилганлиги, устоз педагогларнинг ибратли ҳаёт йўли ва фан ривожига кўшган улкан ҳиссаларидан бўлажак педагог кадрларни тайёрлашда самарали фойдаланишга бўлган ижтимоий эҳтиёжнинг мавжудлигини инобатга олган ҳолда “**Замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик меросини ўрганиш**” мавзуси ўз ечимини кутаётган илмий-педагогик муаммо сифатида танланди.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация З.М.Бобур номли Андижон давлат университети “Педагогика” кафедрасининг “Педагогика фани тараққиётига ҳисса кўшган олимлар фаолиятини ўрганиш” мавзусидаги илмий тадқиқотлар дастури доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқот мақсади:** замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик меросини ўрганиш юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқиши.

**Тадқиқот вазифалари:**

1. Сиддиқ Ражабов педагогик меросининг аҳамиятини ўрганиш ва илмий жиҳатдан асослаш.
2. Сиддиқ Ражабов педагогик ва илмий фаолиятининг тарихий манбалар ҳамда педагогик адабиётларда ёритилганлик ҳолатини баҳолаш.
3. Замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий- педагогик меросини ўрганиш мазмунини ёритиши.
4. Замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий- педагогик меросини ўрганишга доир маҳсус курс мазмунини асослаш ва самарадорлик даражасини аниқлаш.
5. Замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий- педагогик меросини ўрганишга оид методик тавсияларни ишлаб чиқиши.

**Тадқиқот объекти:** замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов

<sup>3</sup> Нурматов С. Олим, устоз, мураббий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 21-22-бетлар.

илмий-педагогик меросини ўрганиш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети:** замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик меросини ўрганиш мазмуни, йўллари, шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқот методлари:** тарихий манбалар ва даврий нашрларда чоп этилган мавзуга доир материалларни ўрганиш; назарий таҳдил; анкета; сухбат; интервью; педагогик кузатиш; педагогик тажриба; тест; математик статистика.

**Тадқиқотнинг илмий фарази.** Агарда: Сиддиқ Ражабов педагогик фаолияти илмий таҳдил этилиб, унинг педагогика фани ривожидаги ўрни холис баҳоланса; Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик меросидан самарали фойдаланиш мазмуни ёритилиб, ундан педагогика таълими жараёнида фойдаланиш йўллари, шакл, метод ва воситалари асосланса; замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик меросини ўрганиш юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқилса, самарали натижаларни қўлга киритиш имконияти юзага келади.

#### **Ҳимояяга олиб чиқилаётган ҳолатлар:**

1. Сиддиқ Ражабовнинг шахс камолоти, политехника таълимини ривожлантириш ва умумий ўрта таълим сифатини оширишга оид қарашлари.

2. Сиддиқ Ражабовнинг олий таълим муассасаларида педагогика фанининг ўқитиш мазмуни, шакл ва методларини такомиллаштиришга кўшган ҳиссаси.

3. Сиддиқ Ражабовнинг мактабшунослик ва таълимий ислоҳотларни амалга оширишга доир ёндашувлари.

4. Замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий- педагогик меросини ўрганишнинг ташкилий-технологик асослари.

5. Замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий- педагогик меросини самарали ўрганишга оид методик тавсиялар.

#### **Ишнинг илмий янгилиги:**

1. Сиддиқ Ражабовнинг фаолияти ва таълим-тарбияга оид фикрлари илмий-педагогик мерос сифатида тавсифланди.

2. Замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий- педагогик меросини ўрганишнинг мавжуд ҳолати таҳдил қилинди.

3. Замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий- педагогик меросини ўрганишнинг самарали шакл, метод ва воситалари аниқланди.

4. Замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий- педагогик меросини ўрганишга оид методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ғояси, натижалари ҳамда илгари сурилган методик тавсиялардан республика олий педагогик таълим тизимида назарий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот материаллари “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Педагогика” фанларини ўқитиша, педагогик туркум фанлар бўйича маҳсус курсларни ташкил этиш, қўлланма ва дарсликларни яратиш, шунингдек, талабалар томонидан курс иши ва битириув малакавий ишларини тайёрлашга ёрдам беради. Шунингдек, мазкур тадқиқот иши Шарқ мутафаккирлари ва республика педагог олимларининг илмий-педагогик қарашларини тадқиқ қилиш йўналишида олиб бориладиган кейинги изланишлар учун муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Тадқиқот босқичлари:** илмий изланиш 2004-2010 йиллар мобайнида уч босқичда олиб борилди.

**Натижаларнинг жорий қилиниши:** тажриба-синов ишлари Андикон, Фарғона ва Наманган давлат университетлари, шунингдек, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогикауниверситетида олиб борилди.

**Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси):** тадқиқотнинг муҳим назарий ғоя ва амалий натижалари республика ҳамда чет элда чоп этиладиган илмий-методик журналларда мақолалар эълон қилиш, З.М.Бобур номидаги Андикон давлат университетида ташкил этилган аспирант, докторант ва профессор-ўқитувчиларнинг илмий-амалий анжуманида иштирок этиб, маъruzалар ўқиш ҳамда диссертация материаллари асосида “Академик

Сиддиқ Ражабовнинг ижтимоий-педагогик таълимотини талабаларга ўргатиш” ҳамда “Сиддиқ Ражабов ҳаёти ва педагогик фаолияти шогирдлари талқинида” номли услубий қўлланмаларни чоп эттириш орқали педагогик жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганини.** Тадқиқот ишининг муҳим илмий натижалари “Фалсафа ва хуқук”, “Халқ таълими”, “Педагогик таълим” каби илмий-методик журналлар, “Наука, образование, техника” халқаро журнали, илмий тўпламларда муаллиф томонидан чоп эттирилган 8 та илмий ишлар (иккита ўқув қўлланма, бешта илмий мақола, битта тезис)да ўз ифодасини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:** диссертация кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, жами 162 бетни ташкил қиласди. Асосий мазмун 140 бетда ёритилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **кириш қисмида** тадқиқот учун танланган муаммонинг долзарблиги асосланган; тарихий ва педагогик манбалар ҳамда бу йўналишда олиб борилган тадқиқотлар асосида муаммонинг ўрганилганлик даражаси баҳоланган; тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, обьекти, предмети ва илмий фарази белгиланган. Шунингдек, тадқиқотнинг самарадорлигини ёритувчи тавсифий маълумотлар ёрдамида ишнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, ҳимояга олиб чиқилаётган ҳолатлар кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик меросини ўрганишнинг назарий асослари” деб номланиб, унда Сиддиқ Ражабовнинг ҳаёти, ижтимоий-педагогик фаолияти, ўқитувчилик маҳорати, раҳбарлик фаолияти, шунингдек, шахс камолоти, политехника таълимини ривожлантириш ва умумий ўрта таълим мазмунига оид қарашлари тўғрисида сўз юритилади.

Сиддиқ Ражабов Ўзбекистон Республикасида халқ таълими тизими ҳамда педагогика фанини ривожлантиришга муносаб ҳисса кўшган таникли шахслардан биридир. У ўз ҳаётини республикада педагогик билимлар равнақи ҳамда таълим-тарбия жараёнининг такомиллашиши ва юксак касбий маҳоратга эга педагог кадрларни тайёрлаш ишига бағищлаган.

Маҳоратли педагог фаолияти юзасидан тўпланган кўплаб маълумотлар унинг мустақил фикр эгаси бўлганлигини тасдиқлаш билан бир қаторда айрим масалаларга жамиятда хукмрон бўлган тузум мафкураси нуқтаи назаридан ёндашганлигини кўрсатади. Зеро, олимнинг ижодий, илмий-педагогик фаолияти деярли тўлалигича собиқ Шўролар тузуми даврига тўғри келади.

Педагогика тарихи йўналишида бажариладиган тадқиқотларда илмий изланиш обьекти сифатида қабул қилинаётган шахс ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш зарур шартлардан бири ҳисобланади. Шу боис тадқиқот жараёнида Сиддиқ Ражабовнинг ҳаёт йўли ва фаолиятини ўрганишга эътибор қаратилди. Муайян изчиллик ва тизимлиликни таъминлаш мақсадида бу борада амалга оширилган фаолиятни қуидаги йўналишларда бўлиши таъминланди:

- 1) Сиддиқ Ражабовнинг ҳаёти билан танишиш, ҳаёт йўлини муайян босқичларга ажратиш орқали турли босқичларда содир этилган асосий ҳодиса ва вокеликни ажратиб кўрсатиш;
- 2) назарий таҳлил асосида Сиддиқ Ражабов фаолиятининг муҳим йўналишлари, уларнинг ўзига хос жиҳатлари, кўлга киритилган ютуклари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш.

Сиддиқ Ражабовнинг ҳаёти билан танишиш ва ҳаёт йўлини муайян босқичларга ажратишда педагогик ва психологик манбаларда ёритилган ёш даврларини белгилаш борасидаги фикрлар таҳлил қилинди. Назарий таҳлил натижалари А.В.Мудрик томонидан белгиланган ёш даври инсон ҳаётининг барча босқичларини тўла қамраб олганлигини кўрсатди.

Сиддиқ Ражабов фаолиятининг моҳияти, самараси ва аҳамиятлилигига кўра қуидаги турларга ажратиш мақбул деб топилди (1-жадвал).

Сиддиқ Ражабов педагогик фаолияти, илмий мероси ва кадрлар тайёрлаш жараёнидаги олиб борган ишларини ўрганишнинг бугунги кундаги аҳволини аниқлаш мақсадида тажриба объектлари сифатида Андижон, Фарғона ва Наманган давлат университетлари, шунингдек, Тошкент давлат педагогика университети танланди. Ушбу муассасаларда Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик меросининг ўрганилишини кузатиш ишлари уч боскичда олиб борилди. Яъни: 1-босқич. Педагогик туркум фанлари бўйича яратилган ўқув дастурларида Сиддиқ Ражабов хаёти ва илмий-педагогик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, олим томонидан илгари сурилган педагогик ғояларнинг акс этишини таъминлаш. 2-босқич. Талабалар ўртасида анкета ва тест сўровларини ташкил қилиш, битирув малакавий ишлари бажарилиш ҳолатини ўрганиш орқали талабаларнинг Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик меросини ўзлаштириш даражасини аниқлаш. 3-босқич. Олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик меросини ўрганиш ҳолатини аниқлаш мақсадида ўқув машғулотларнинг сифатини баҳолаш.

Маълумки, меҳнат шахс камолотида мухим ўрин тутади. Ана шу жиҳатни инобатга олган ҳолда, Сиддиқ Ражабов ўз асрларида меҳнат ва политехника таълиминининг шахс камолотидаги аҳамиятини ёритишга алоҳида эътибор қаратган.

1-жадвал

### **С. Ражабов томонидан олиб борилган фаолият турлари ва йўналишлари**

№	Фаолият турлари	Фаолият йўналишлари
1.	Ижтимоий фаолият	Аҳоли ўртасида саводсизликни тутатиш; аҳоли турмуш маданиятини оширишга ҳисса қўшиш; таълим тизимини ривожлантириш; маданий-маърифий тарғибот ишларини олиб бориш; аҳоли ўртасида матбуотнинг таъсирчан ролини кучайтириш; ёшларнинг етакчиси сифатида фаолият юритиш; уруш йилларида Қуролли Кучлар аскарларининг жанговарлик руҳини қўтариш ҳамда аҳолининг ғалабага бўлган ишончини ҳосил қилишга ўз ҳиссасини қўшиш
2.	Педагогик фаолият	Ўқув фанларини ўқитиш; тарбия жараёнини ташкил этиш; бадий ҳаваскорлик, жисмоний тарбия ва спорт ишларини ривожлантириш; таълим ва тарбия жараёнларининг бирлигига эришиш.
3.	Тадқиқот-чилик фаолияти	Педагогик фикрлар тараққиёти тарихини ўрганиш; илғор иш тажрибалари билан танишиш; ўз устида ишлаш; касбий малака ва маҳоратни ошириш; миллий педагогика ривожи тарихини яратиш; Шарқ мутафаккирларининг педагогик қарашлари билан жаҳон жамоатчилигини таништириш; илмий ишлар чоп эттириш; номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш; илмий тадқиқот ишлари натижаларини мактаб амалиётига бевосита татбиқ этиш, республика миқёсида олиб борилаётган педагогик тадқиқотларни мувофиқлаштириш
4.	Раҳбарлик фаолияти	Мактаб, газета таҳририятини бошқариш, ЎзПФИТИга директорлик ҳамда кафедра жамоаларига раҳбарлик қилиш; мактаб, газета таҳририяти ҳамда кафедра фаолиятини йўлга қўйиш; ёш, малакали педагог қадрларни тайёрлаш; таълим муассасаларини малакали илмий қадрлар билан таъминлаш; илмий сектор ва лабораторияларга муайян тажриба ҳамда илмий малакага эга мутахассисларни жалб этиш; методик бирлашма йиғилишлари, назарий семинарлар, шунингдек, педагогик муаммоларга бағишиланган давра сұхбатларини ташкил қилиш; долгзарб педагогик муаммоларга бағишиланган илмий анжуманлар, “Педагогик ўқиши”ларни уюштириш; таълим сифатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш; ёш мутахассисларга тадқиқот ишларини олиб бориш юзасидан илмий маслаҳатлар бериш ва йўл-йўриқ кўрсатиш; Бирлашган ихтисослашган илмий кенгаш фаолиятини бошқариш.

Меҳнат тарбиясининг шахс камолотидаги роли хусусида тўхталар экан, Сиддиқ

Ражабов бу жараёнда ўкувчидаги кўйидаги кўнилмалар ривожланишини кўрсатиб ўтади: таълим жараёнида ўкувчилар диққатини бир нарсага жамлаб, ўз иродасини мавзуга ва уни эгаллашга йўналтириш; мавзу юзасидан материалларни ўрганиш, тўплаш ва керагини танлаш учун манбааларга мурожаат қилиш; турли хил объект ва ҳодисалар билан боғлиқ кузатишлар олиб бориш; материалларни ёзиб бориш, ёдлаш, ҳукм ва хулоса чиқариш.

Таълим муассасалари олдида ёш авлоднинг ҳар томонлама етук, илмли, политехника билимига эга бўлган кишилар қилиб тарбиялаш масаласи туради. Сиддиқ Ражабовнинг изланишларида давр эҳтиёжининг таълим тизимидағи ёрқин ифодаси – политехника таълимини ривожлантириш учун таъсир этувчи омилларнинг аниқланишига ҳам эътибор қаратилган. Олимнинг фикрича, мазкур омиллар қўйидагилардир: 1. Таълим муассасаларида политехника таълимим учун моддий техника базасини яратиш. 2. Политехника таълимимни йўлга қўйишда оталиқ ташкилотлар, кенг жамоатчилик, завод ва фабрикаларнинг ҳамкорлик режаларини мақсадли, регионал шароитларни ҳисобга олган ҳолда тузиш. 3. Айрим муассаса ва корхоналарга саноат соҳасида фойдаланилмай ётган, аммо политехника таълимим учун яроқли ҳисобланган станоклар, кичик ички ёниш двигателлари, электромоторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, автомобиль ва машина деталлари, лаборатория жиҳозлари кабиларни мактаблар ихтиёрига ўтказиш ҳуқуқини бериш. 4. Мактабларга янги техника маълумотига эга бўлган кадрларни жалб қилиш. 5. Мактаблар ўкув режаси бўйича ўкув устахоналарида амалий машғулотлар, электротехника, машинашунослик ва қишлоқ хўжалиги бўйича практикумларнинг олиб борилиши.

Санаб ўтилган омиллар политехника таълимим ва умуман, мактаб таълимим мазмунининг сифат даражасини оширишда ўз ижобий таъсирини берган. Сиддиқ Ражабов юкорида санаб ўтилган ишлардан ташкари хотин-қизлар таълимига эътибор беради. Унинг фикрича, хотин-қизлар таълимимни ташкил этишининг қўйидаги йўллари самарали саналади: жойларда аёллар бўлимининг ишлари; аёллар клубининг ташкил этилиши; саводсизликни тутатиш мактабларини ташкил этиш ва уларнинг иш фаолиятини назорат қилиш.

Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш йўлларини излар экан, олим қўйидагиларни муҳим вазифалар сифатида кўрсатиб ўтади: таълимни дифференциялаш; ўкувчиларнинг куч ва диққатларини муайян бир соҳа юзасидан билимларни ўрганишга йўналтириш; ўсиб келаётган авлодни ақлий тарбиялаш билан бирга уларда меҳнат ва касбий кўнилма, малакаларни шакллантиришга эътибор қаратиш; ўкувчиларни фикрлашга ўргатиш; уларни фаоллаштириш; таълимнинг самарали усуулларини ишлаб чиқиш.

Сиддиқ Ражабов педагогика фани методологияси ва педагогик тамойилларга таянган ҳолда қўйидаги йўналишларда тадқиқот ишларини амалга оширилишига эришган (1-расм).



Сиддиқ Ражабов педагогик фаолиятида умумий ўрта таълим мазмунини такомиллаштириш йўлларини аниқлаш устувор вазифа этиб белгиланган (2-расм):



Дастлабки – асословчи тажриба натижаларига кўра Сиддиқ Ражабов ҳаёти ва фаолияти бўйича респондент-талабаларнинг етарли маълумотларга эга эмасликлари кузатилди. Бунинг сабабларини ўрганиш учун респондент-талабалар ўртасида сухбат, савол-жавоблар ташкил этилди. Натижада талабаларнинг Сиддиқ Ражабов ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар бўйича паст ўзлаштиришларига сабаб бўлувчи камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Улар қуидагилардан иборатдир: фақат “Педагогика назарияси ва тарихи” фанидан “1917-1990 йилларда Ўзбекистонда мактаб ва педагогика фани” мавзуси ўрганилаётгандагина Сиддиқ Ражабов ҳаёти ва фаолиятига тўхталиб ўтилиши; олий педагогик таълим тизими тўғрисида сўз юритилганда эса Сиддиқ Ражабовнинг соҳани ривожлантиришга қўшган ҳиссаси қисқача шарҳ тарзида байни мактабни ўзлаштиришга мөмкунларни олий таълим тизимида кенг тарғиб этилишига эҳтиёж сифатида қаралмагани; замонавий педагогик тадқиқотлар ҳамда янги авлод дарсликлари, ўқув ва методик қўлланмаларда Сиддиқ Ражабов яшаган давр “тоталитар тузум хукмронлиги даври” сифатида эътироф этилганлиги боис олий томонидан илгари сурилган гояларнинг инкор этилиши; тажриба майдонлари мисолида олий таълим муассасаларида ташкил этилган “Буюк олимлар”, “Устозлар” ёки “Ўзбекистонда мактаб таълими ва педагогик фикрлар тараққиёти тарихи” рукнидаги бурчак (стенд)ларда Сиддиқ Ражабов портрети ҳамда унинг ҳаёти, илмий-ижодий фаолиятига оид маълумотларнинг акс этмаганлиги.

Диссертациянинг **“Сиддиқ Ражабовнинг олий таълим муассасаларида ўқувтарбия жараёнини такомиллаштириш ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашдаги ўрни”** деб номланувчи иккинчи бобида эса олимнинг олий таълим муассасаларида педагогика фанини ўқитиш мазмуни, шакл ва методларини такомиллаштиришга қўшган ҳиссаси, мактабшунослик ва таълимий ислоҳотларни амалга оширишга оид ёндашувлари ҳамда педагогика фани равнақига оид илмий тадқиқотларининг таҳлили ёритилади.

Сиддиқ Ражабов олиб борган тадқиқотлар натижасида олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари таълим жараёнини ташкил этишда қуидаги тўрт шартга амал қилишлари аниқланган: 1. Мутахассислик фанларини пухта билиш ва уларни севиш. 2. Талабаларда ўзлари ўқитаётган фанларга нисбатан қизиқиши ва муҳаббат ўйғотиши. 3. Лаборатория ва амалий тажрибаларни ўтказиши. 4. Чуқур илмий билимга эга бўлиш.

Сиддиқ Ражабов олий таълим мазмунида акс этиши лозим бўлган тамойиллар хусусида тўхталиб, қуидагиларни таъкидлайди: “Айрим олимлар олий мактабнинг таълим назариясига бошқача тамойилларни, масалан, вақтдан самарали фойдаланиш тамойили, алгоритм тамойили ва ҳоказоларни киритиш ҳақида фикр билдирамоқдалар. Бу умумий дидактик тамойилларга асосланиш оқибатидир. Ҳақиқатда эса олий мактабнинг таълим назариясида дидактиканиң саккиз принципидан олтитаси ўқув жараёнини белгилайди. Булар қуидагилар: 1. Илмийлик. 2. Тизимлилик. 3. Назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги. 4. Онглилик. 5. Шахс ва жамоа бирлиги. 6. Таълимда тушунарлилик.

Сиддиқ Ражабовнинг Ўзбекистонда мактаб қурилиши тарихига оид илмий қарашларини қуидагича гурухлаштириш мумкин: 1. Маданий-техник қолоқликни тугатиш. 2. Умумий мажбурий бошланғич таълимни жорий этиш. 3. Ўқитувчиларнинг молиявий ҳолатларини яхшилаш. 4. Янги ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, педагогик илмий тадқиқотларни ривожлантириш. 5. Таълим ва тарбия методлари ҳамда воситаларини

такомиллаштириши.

6. Ўқитувчининг мактабдаги кундалик иш жараёнига доимий амалий ёрдам кўрсатиш учун малакали ўқитувчилардан тузилган гурухларни ташкил этиш.

Ўз илмий изланишлари натижаларига таянган ҳолда Сиддиқ Ражабов умумий ўрта таълим муассасаларида методик ишларни олиб боришида қўйидаги шакллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигига алоҳида урғу беради: тажрибали ўқитувчиларнинг зиммаларига педагогик жараёнда акс этувчи илмий-текшириш характеристидаги муҳим масалаларни ҳал қилиш вазифалари юклатилиши лозим; ёш ўқитувчиларга эса уларнинг тажрибаси ва маълумоти даражасига кўра у қадар мураккаб бўлмаган ишларни бажариш юклатилади; тажрибали, маҳоратли ўқитувчиларнинг махсус адабиётлар билан танишиш, уларда илгари сурилган илғор ғояларни таҳлил қилиш, олинган маълумотлар юзасидан кенгаш йиғилишларида ахборот бериш ёки методик бирлашма йиғилишларида маъруза қилишлари таъминланади; туман умумий ўрта таълим мактабларида орттирилган илғор педагогик тажрибалар ўрганилади ва тарғиб этилади; ўқитиши методикасига оид муҳим янгиликлар ва вазифаларни ҳал этиш учун очиқ дарслар, айланы столлар, педагогик ўқувлар ташкил этилади ва ҳар бирининг жараён нихоясида тегишли тартибда муҳокама этилиши кўзда тутилади; ўқитувчиларнинг ўзаро дарс кузатишлари улар учун ўз иш ва касбий фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш учун зарурий шартлардан бири эканлигини назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Сиддиқ Ражабов ўзининг “Педагогика фани тараққиётининг баъзи масалалари” номли асарида умумий ўрта таълим мактабларида таълим-тарбия ишларини ташкил этишда ота-оналар комитети ҳам бевосита иштирок этиши айтилади. Уларнинг мазкур жараёндаги иштироки қўйидаги вазифаларни самарали амалга оширишга имкон беради: 1. Умумий мажбурий таълимни амалга оширишга кўмаклашиш. 2. Қишлоқ мактаблари хузурида интернатлар ташкил этиш ва у ерда тарбиявий ишларни йўлга кўйишига таъсир кўрсатиш. 3. Ота-оналар томонидан ўқувчиларнинг уйда таълимий вазифаларни бажаришлари, уларда маънавий-ахлоқий сифатларнинг тарбияланиши юзасидан назорат этишига эришиш. 4. Ўқувчилар меҳнатининг тўғри ташкил этилишини таъминлаш. 5. Ота-оналар ўртасида педагогик масалаларга доир сухбат ва маърузалар ташкил этиш. 6. Мактабнинг хўжалик ва ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш. 7. Ўқувчилар ўртасида соғломлаштириш тадбирларини олиб бориш.

Ўз тадқиқотларида Сиддиқ Ражабов олий ва умумий ўрта таълим муассасаларининг фаолияти йўналишлари, уларда ташкил этиладиган таълим мазмуни ва устувор белгиларни таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратади. Изланишлар натижасида олий ва умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятига хос бўлган белгилар қўйидагилар эканлигини аниқлайди (2-жадвал).

Олим томонидан яратилган илмий асарларни шартли равишда икки гурухга ажратиш мумкин. Яъни:

1) шахс камолоти, унда ижобий ахлоқий сифатларни шакллантириш, мактаб амалиёти, ўқув ва тарбиявий ишлар жараёнини такомиллаштириш, малакали педагог ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлашга оид ғояларни акс эттирувчи асарлар;

2) Сиддиқ Ражабов яшаб, ижод қилган давр ва унинг ўзига хос мафкуравий сиёсати таъсирида яратилган асарлар.

Ишнинг алоҳида параграфида олим томонидан яратилган илмий асарларнинг мазмуни, уларда акс этган устувор ғоялар тўғрисида сўз юритилади.

Диссертациянинг учинчи бобида олий таълим муассасаларида Сиддиқ Ражабов меросини ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари, Сиддиқ Ражабов мактаби намояндларининг замонавий педагогика фани ривожига қўшган ҳиссалари ҳамда Сиддиқ Ражабов меросини ўрганишга оид тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари тўғрисида сўз юритилган бўлиб, у **“Мустақиллик йилларида олий таълим муассасаларида Сиддиқ Ражабов меросини ўрганишнинг педагогик шарт-шароитлари”** деб номланади.

Тадқиқот обьектлари сифатида танланган Андижон, Фарғона, Наманган давлат университетлари ва Тошкент давлат педагогика университети талабалари иштирокида

тажриба-синов ишлари олиб борилди.

Педагогик тажрибани ташкил этишда олий таълим муассасаларида Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик меросини ўрганишга доир маҳсус методика ишлаб чиқилди ва унинг фоялари синов майдонларида амалиётга жорий этилди. Кўп босқичли тажриба ишлари талабаларни Сиддиқ Ражабовнинг илмий-педагогик мероси билан яқиндан таништиришга йўналтирилди.

2-жадвал

### **Олий ва умумий ўрта таълимга хос устувор белгилар**

Асосий мезонлар	Олий таълимга хос белгилар	Умумий ўрта таълимга хос белгилар
Таълим предмети ва объекти	Ўкув жараёни, таълим мазмуни, методлари ва мутахассислар билимини хисобга олиш, уларни аттестациядан ўтказиш, талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш масалалари тадқик қилинади; умумий дидактика, билиш назарияси, психология, физиология ҳамда педагогик тажрибага асосланади	Умумий дидактик тамойилларга таянади; ўқитишининг турли шакл, метод ва воситаларидан фойдаланилади; ўқувчига давлат томонидан белгиланган талаб доирасида билим берилади
Таълим мазмуни	Замонавий илм-фан, техника ва технология ютуқлари, шунингдек, ижтимоий тараққиёт натижаларига асосланади	Фан асослари ҳамда ўкув материалларига асосланади
Таълим натижаси	Таълим назарияси ва амалиёти бўйича замонавий муаммолар ижтимоий талаблар инобатта олинган ҳолда етук мутахассислар тайёрланади ва фаннинг ривожланиши таъминланади	Ҳар томонлама ривожланган, мустақил, муайян касб ёки хунарнинг бошланғич асосларидан хабардор, касб асосларини пухта ўзлаштириш ва ўзлаштирилган назарий билимларни ҳаётда қўллай олиш мақсадида кейинги босқич таълимини олишга тайёр, маънавий-ахлоқий сифатларга эга шахс
Таълим иштирокчи-лари (талаба ва ўкувчилар) фаолияти	Талабалар мутахассислик фанлари асосларини пухта ўзлаштирадилар; дунёқараашларини кенгайтириш ва ўзлаштирилган назарий билим, амалий кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш мақсадида ижодий, илмий изланишларни олиб борадилар	Ўқувчи ўқитувчи назорати ва кўмаги асосида ўкув фанлари асосларини ўзлаштириш учун мақсадли-мажбурий фаолиятни ташкил этади


Амалий тажриба чоғида олий таълим муассасалари амалиётига татбиқ этилган маҳсус методика қуидаги вазифаларни ижобий ҳал этишга имкон берди:

1. Ўкув жараёнининг мазмунига Сиддиқ Ражабов илмий мероси ва ундан ўрин олган илгор педагогик қараашлар киритилди.
2. Талабаларга “Педагогика назарияси ва тарихи” фанини ўқитишида маънавий меросдан фойдаланиш имкониятлари аниқ мисоллар асосида очиб берилди.
3. Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик мероси асосида талабаларнинг касбий тайёргарлиги ва билимлари мустаҳкамланди.
4. Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик мероси моҳиятини ўрганиш ва уни талабаларга ўргатишнинг мезонлари ишлаб чиқилди. Улар: талабаларнинг Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик меросига нисбатан муносабатлари; талабаларнинг Сиддиқ Ражабов фаолиятига ҳозирги давр нуқтаи назаридан ёндашишлари; талабаларнинг Сиддиқ Ражабов фаолияти


юзасидан эгаллаган билимлари асосида олим илмий-педагогик меросига қизиқишилари; талабаларнинг Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик мероси асосида олган назарий билимларини амалий фаолиятда қўллай олиш лаёқатларига эгаликлари; Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик қарашларининг маънавияти юксак, пухта билимга эга бўлган педагог кадрларни тайёрлашга таъсири.

Асословчи ва таъкидловчи тажриба босқичларида ҳар уч турдаги (оғзаки сўров, ижодий иш ҳамда тест сўрови) назорат якунларига кўра тажриба ва назорат гурухларига бириткирилган респондент-талабаларнинг Сиддиқ Ражабов ҳаёти, педагогик, раҳбарлик ҳамда илмий фаолияти юзасидан ўзлаштирган назарий билимлари даражаси аниқланди. Ўрганиш натижалари қуйидаги диаграммаларда акс этган (1- ва 2-диаграмма):

#### **Тажриба ва назорат гурухлари талабаларининг Сиддиқ Ражабов ҳаёти, педагогик ва илмий фаолиятидан хабардорлик кўрсаткичлари (асословчи тажриба)**



#### **Тажриба ва назорат гурухлари талабаларининг Сиддиқ Ражабов ҳаёти, педагогик ва илмий фаолиятидан хабардорлик кўрсаткичлари (таъкидловчи тажриба)**



Диаграммаларнинг кўрсаткичлари Стыодент-Фишер методи (критерияси)га мувофиқ статистик таҳлил қилинди. Мазкур метод шартларига кўра диаграмма кўрсаткичлари асосида ҳар икки гурух учун математик кутилиш, танланма дисперсия ва ўртача квадрат четланишлари топилади (3-жадвал):

3-жадвал

#### **Статистик таҳлил қийматлари**

Гурухлар	$\bar{X}$	$\bar{Y}$	$D_m$	$D_n$	$\Delta_m$	$\Delta_n$
Тажриба	4,7	-	0,26	-	0,03	-
Назорат	-	4,4	-	0,37	-	0,05

Бунда:  $\bar{X}$  – тажриба гурухи учун математик – кутилиш;

$\bar{Y}$  – назорат гурухи учун математик кутилиш;

$D_m$  – тажриба гурухи учун танланма дисперсия;

$D_n$  – назорат гурухи учун танланма дисперсия;

$\Delta_m$  – тажриба гурухи учун ўртача квадрат четланиш;

$\Delta_n$  – назорат гурухи учун ўртача квадрат четланиш.

Ҳосил бўлган қийматлар асосида ҳар икки гурух учун ишончли интерваллари топилади:

1-формула

$$\bar{X} - t_{\gamma} \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{\gamma} \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}}$$

2-формула

$$\bar{Y} - t_{\gamma} \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{\gamma} \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}}$$

$4,2 - 0,06 \leq a_x \leq 4,2 + 0,06$	$3,6 - 0,05 \leq a_y \leq 3,6 + 0,05$
$4,14 \leq a_x \leq 4,26$	$3,55 \leq a_y \leq 3,65$

Ишончли интервалларнинг қийматлари тажрибадан кейинги синов ишлари якунига кўра ўтказилган тажриба натижаларининг ҳаққонийлигини тасдиқлайди.

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсатгичлари хисобланади:

$$\bar{X} = 4,2; \quad \bar{Y} = 3,5; \quad \Delta_m = 0,06; \quad \Delta_n = 0,05 \quad \text{га teng.}$$

Ушбу қийматларга кўра сифат кўрсаткичлари:

3-формула

$$K_{yc\sigma} = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(\bar{Y} + \Delta_n)} = \frac{4,2 - 0,06}{3,6 + 0,05} = \frac{4,14}{3,65} = 1,13 > 1;$$

4-формула

$$K_{\delta\delta\delta} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} + \Delta_n) = (4,2 - 0,06) - (3,6 + 0,05) = 4,14 - 3,65 = 0,59 > 0;$$

Бунда  $K$  – коэффициент қиймати.

Ҳосил бўлган кўрсаткичлар тажриба-синов ишлари самарадорлигини баҳоловчи мезоннинг бирдан ҳамда тажриба гурухларида респондент-талабалар томонидан ўзлаштирилган Сиддик Ражабов ҳаёти, педагогик, раҳбарлик ва илмий фаолиятига оид назарий билимларни билиш даражасини баҳолаш мезоннинг нолдан катталигини тасдиқлайди. Бу ҳолат тажриба гурухи натижаларининг назорат гурухи натижаларидан юқори эканлигини ифодалайди. Демак, респондент-талабалар иштироқида уларнинг Сиддик Ражабов ҳаёти, педагогик, раҳбарлик ва илмий фаолиятига оид назарий билимларини янада бойитиш, олимнинг илмий-педагогик меросини чуқурроқ ўрганиш мақсадида ташкил этилган тажриба-синов ишларининг самараали ташкил этилганлигини тасдиқлайди.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Тадқиқот жараёнида педагогика олий таълим муассасалари талабаларини Сиддик Ражабовнинг ижтимоий ва илмий-педагогик фаолияти билан таништириш уларда касбга

бўлган ижобий муносабатни шакллантириш, касбий фаолиятни ташкил этишда фаоллик кўрсатиши ва фидойи бўлиш эҳтиёжининг шаклланишига хизмат қилиши тасдиқланди.

2. Сиддиқ Ражабов миллий педагогик ғояларини ривожлантириш, Шарқ алломаларининг педагогик қарашларини тарғиб қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси таълим тизими шаклланишида алоҳида ўрин тутган шахс бўлиб, унинг педагогик мероси малакали кадрларни тайёрлаш ва илмий изланишлар учун методологик асос бўла олади.

3. Педагогика олий таълим муассасаларида Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик меросини ўрганишга технологик ёндашиш талабалар билимларини мустаҳкамлайди ҳамда таълим жараёнининг самарали кечишини таъминлайди.

4. Сиддиқ Ражабов илмий меросини ўрганиш чоғида талабаларнинг олим яшаган давр ва бугунги кун учун характерли бўлган долзарб педагогик муаммоларни қиёсий ўрганишга рағбатлантириш уларда ижодий қобилият ва мустакил тарафаккурни янада ривожлантириш имкониятини яратади.

5. Талабалар Сиддиқ Ражабов ижтимоий фаолиятига танқидий ёндашувларининг таҳлили илғор педагогик ғоялардан барча даврларда ҳам самарали фойдаланиш мумкинлигини яна бир бор тасдиқлади.

6. Мавжуд педагогик манбаларда Сиддиқ Ражабов ижтимоий ва илмий-педагогик фаолиятига кам ўрин ажратилганини, ёрдамчи манбалар (ўкув ва методик қўлланмалар) да ҳам етарлича маълумотлар мавжуд эмаслиги, педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг бу борадаги билимлари паст бўлишига сабаб бўлган асосий омил ҳисобланади.

7. Мавжуд манбаларни ўрганиш Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик фаолияти даврида ўзига хос мактаб яратса олганлигини тасдиқлади. Мазкур мактаб намояндадар саналган бир гурух педагог-олимлар Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигига қадар ва мустақиллик йилларида ҳам долзарб педагогик муаммолар устида илмий изланишлар олиб бордилар. Улар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотларни ўрганилган муаммоларга кўра қуидагича туркумлаш мумкин: олий таълим тизимини такомиллаштириш ва малакали педагог кадрларни тайёрлаш; жаҳонга қомусий олимлар сифатида танилган Шарқ алломалари – Муҳаммад Исо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино ҳамда Мирзо Улуғбекларнинг педагогик меросини ўрганиш; миллий педагогик ғояларнинг ривожланишини ўрганиш; умумий ўрта таълим мактабларида таълим сифатини ошириш (куни узайтирилган гурухлар фаолиятини самарали, илмий асосда ташкил этиш, ўқувчиларни ўлкашунослик материаллари асосида экологик руҳда тарбиялаш); узлуксиз таълим тизимига илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш; педагогик туркум фанлар, хусусан, “Педагогика”, “Педагогика тарихи” ҳамда “Педагогик технология” бўйича ўкув қўлланмалар ва дарслик яратиш.

8. Тажриба-синов ишлари даврида аудитория машғулотлари ҳамда аудиториядан ташқари шароитда уюштирилган маънавий-маърифий тадбирларнинг технологик ёндашув асосида ташкил этилганлиги талабаларда Сиддиқ Ражабовнинг илмий-педагогик меросини ўрганишга бўлган қизиқишини юзага келтирди. Муаммоли, модулли ҳамда интерфаол таълим турларидан фойдаланиш талабалар томонидан Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик меросининг суст тингловчи эмас, балки фаол иштирокчи сифатида ўзлаштириш имконини берди. Бу ҳолат олий таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнига технологик ёндашув асосида ташкил этилса, кутилган натижаларни қўлга киритишга ёрдам бериши тасдиқланди.

9. Педагогика олий таълим муассасаларида Сиддиқ Ражабов илмий мероси, хусусан, шахс камолотини таъминлаш, ижтимоий субъект дунёқарашини шакллантириш, таълим методларини такомиллаштириш, таълим ва ижтимоий ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни юзага келтириш, ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари ва шахсий имкониятларини инобатга олган ҳолда ўкув жараёнини табакалаштириш, олий таълим дидактикаси тамойилларини бойитиш, шунингдек, аҳоли ўртасида педагогик билимларни тарғиб қилиш борасидаги ғояларидан мақсадли фойдаланиш малакали педагог кадрларни

тайёрлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

## ТАВСИЯЛАР

1. Педагогика олий таълим муассасалари (З-босқич)да Сиддиқ Ражабов ҳаёти ва илмий-педагогик фаолиятини кенг тарғиб этиш мақсадида маҳсус курс ёки факультативлар ташкил этиш.

2. Аудиторидан ташқари шароитларда педагогика олий таълим муассасалари талабаларини Сиддиқ Ражабов фаолияти билан яқиндан таништиришга имкон берувчи методик манбалар (методик ишланмалар, тавсияномалар) яратиш.

3. Педагогика олий таълим муассасаларида ўқитиладиган “Педагогика” ва “Педагогика назарияси ва тарихи” дарслкларидан Сиддиқ Ражабов ҳаёти, илмий-педагогик фаолияти ва илғор педагогик ғояларининг ўрин олишини таъминлаш.

4. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларини Сиддиқ Ражабов ижтимоий ва илмий-педагогик фаолиятини ўрганишга фаол жалб этиш ва улар томонидан бу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб борилишига эришиш.

5. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида Сиддиқ Ражабовнинг илмий-педагогик ва ижтимоий фаолиятига бағишлиган Республика илмий-амалий анжуманини ташкил этиш.

6. Сиддиқ Ражабов таваллудининг 100 йиллиги олдидан хотира буклетини тайёрланиши ва чоп этилишини ташкиллаштириш.

## ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдуллаева Н.Ж. Сиддиқ Ражабовнинг ижтимоий ҳаёти ва педагогик фаолияти // Наука, образование, техника. Международный научный журнал. – Ўш, 2006. - №3.– Б. 5-6.

2. Абдуллаева Н.Ж. Академик Сиддиқ Ражабовнинг таълимни ривожлантиришдаги фаолияти // Халқ таълими. – Тошкент, 2006. - №6. – Б. 65-67.

3. Абдуллаева Н.Ж. Сиддиқ Ражабовнинг педагогик таълимоти тарихидан // Педагогик таълим. – Тошкент, 2007. - №2. –Б. 89-92.

4. Абдуллаева Н.Ж. Академик Сиддиқ Ражабовнинг ижтимоий-педагогик таълимотини талабаларга ўргатиш // Услубий қўлланма. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. 56 б.

5. Абдуллаева Н.Ж. Илмий педагогик кадрлар тайёрлашда академик Сиддиқ Ражабовнинг фаолияти // Андижон давлат университетининг 75 йиллигига бағишлиган Республика илмий-услубий конференция материаллари. – Андижон: Андижон давлат университети, 2007. – 143-145 б.

6. Абдуллаева Н.Ж. Сиддиқ Ражабов ҳаёти ва педагогик фаолияти шогирдлари талқинида // Услубий қўлланма. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. 35 б.

7. Абдуллаева Н.Ж. Академик Сиддиқ Ражабов таълимотида мактабшунослик масалалари // Халқ таълими. – Тошкент, 2008. - №6. – Б.103-105.

8. Абдуллаева Н.Ж. Олий мактаб дидактикаси ривожланишининг муаммолари(Академик Сиддиқ Ражабовнинг баъзи педагогик ғоялари асосида) // Фалсафа ва хукуқ. – Тошкент, 2010. – Маҳсус сон (29). – Б. 57-58.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Абдуллаева Насиба Жўраевнанинг 13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича “Замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик меросини ўрганиш” мавзусидаги диссертациясининг

## РЕЗЮМЕСИ

**Таянч сүзлар:** олий педагогик таълим тизими, ижтимоий фаолият, педагогик фаолият, ташкилотчилик фаолияти, педагогик ғоялар, олий таълим дидактикаси, илмий-педагогик мерос, замонавий шароит, илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик, таълим муассасаси ҳамда кафедра фаолиятига раҳбарлик.

**Тадқиқот обьекти:** замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик меросини ўрганиш жараёни.

**Тадқиқот мақсади:** замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик меросини ўрганиш юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқиши.

**Тадқиқот методлари:** тарихий манбалар ва даврий нашрларда чоп этилган мавзуга доир материалларни ўрганиш; Сиддиқ Ражабовнинг илмий-педагогик фаолиятини ёритувчи ҳужжатлар билан танишиш; назарий таҳлил; анкета; сұхбат; интервью; педагогик кузатиши; педагогик тажриба; тест; математик статистика.

**Олинганд натижалар ва уларнинг янгилиги:** Сиддиқ Ражабовнинг фаолияти ва таълим-тарбияга оид фикрлари илмий-педагогик мерос сифатида тавсифланди; замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий педагогик меросини ўрганишнинг мавжуд ҳолати таҳлил қилинди; замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик меросидан фойдаланишнинг самарали шакл, метод ва воситалари аникланди; замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик меросидан самарали фойдаланишга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқот ғояси, натижалари ҳамда илгари сурилган методик тавсиялардан республика олий педагогик таълим тизимида назарий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот материалларидан “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Педагогика” фанларини ўқитишида, педагогик туркум фанлар бўйича махсус курсларни ташкил этиш, қўлланма ва дарслекларни яратиш, шунингдек, талабалар томонидан курс ва битируг малакавий ишларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, мазкур тадқиқот иши Шарқ мутафаккирлари ва республика педагог олимларининг илмий-педагогик қарашларини тадқиқ қилиш йўналишида олиб бориладиган кейинги изланишлар учун муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** олий таълим тизимида бўлажак педагоглар томонидан Сиддиқ Ражабов илмий меросининг самарали ўзлаштирилишига эришилди.

**Қўлланиш соҳаси:** тадқиқот натижаларидан олий педагог таълим тизимида фойдаланиш мумкин.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Абдуллаевой Насибы Жураевны на тему: «**Изучение научно-педагогического наследия Сыддыка Раджабова в системе высшего образования в современных условиях**» на соискание ученой степени кандидата педагогических наук по специальности 13.00.01 – Теория и история педагогики

**Ключевые слова:** система высшего педагогического образования, социальная деятельность, педагогическая деятельность, организаторская деятельность, педагогические идеи, дидактика высшего образования, руководство научно исследовательскими работами, руководство деятельностью учебного заведения и кафедры.

**Объект исследования:** процесс изучения научно-педагогического наследия Сыддыка Раджабова в системе высшего образования в современных условиях.

**Цель работы:** разработать методические рекомендации по использованию научно-педагогического наследия Сыддыка Раджабова в системе высшего образования в современных условиях.

**Методы исследования:** изучение материалов по проблеме исследования, исторических источников; ознакомление с документами, освещавшими научно-педагогическую деятельность Сыддыка Раджабова; теоретический анализ; анкетирование;

беседа; интервью; педагогическое наблюдение; педагогический опыт; тестирование; математическая статистика.

**Полученные результаты и их новизна:** охарактеризованы деятельность, образовательные и воспитательные взгляды Сыддыка Раджабова в качестве научно-педагогического наследия; проанализировано существующее состояние изучения научно-педагогического наследия Сыддыка Раджабова в системе высшего образования в современных условиях; определены эффективные формы, методы и средства использования научно-педагогического наследия Сыддыка Раджабова в системе высшего образования в современных условиях; разработаны научно-методические рекомендации по эффективному использованию научно-педагогического наследия Сыддыка Раджабова в системе высшего образования в современных условиях.

**Практическая значимость:** идеи исследования, результаты, а также ранее выдвинутые методические рекомендации могут быть использованы в качестве теоретического пособия в системе высшего образования. Материалы исследования могут быть использованы в преподавании предмета «Теория и история педагогики», в организации спецкурсов по педагогическим наукам, создании пособий и учебников, в подготовке курсовых и выпускных квалификационных работ студентов.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** достигнуто эффективное освоение будущими педагогами системы высшего образования научного наследия Сыддыка Раджабова.

**Область применения:** результаты исследования могут быть использованы в системе высшего педагогического образования.

## RESUME

Thesis of Abdullaeva Nasiba Juraevna on the scientific degree completion of the candidate of pedagogical science Specialty: 13.00.01 – Theory and History of Pedagogy on the subject: “**Studying Siddik Rajabov’s Scientific-Pedagogical Heritage in Higher Education System in Modern Conditions**”

**Key words:** system of higher education, social activity, pedagogical activity, organizational activity, didactics of higher education, scientific and pedagogical heritage, modern condition, supervising of the research, supervision of the educational establishment and the chair.

**Subject of the inquiry:** the process of studying Siddik Rajabov’s scientific and pedagogical heritage in the condition of modern higher education system.

**Aim of the inquiry:** work out methodical recommendations on the basis of the process of studying Siddik Rajabov’s scientific and pedagogical heritage in the condition of modern higher education system.

**Methods of the inquiry:** study the materials related to the topic in historical sources and in published periodicals; acquaintance with documents about Siddik Rajabov’s scientific and pedagogical activities; theoretical analysis; conversation; interview; pedagogical observation; pedagogical experiment; test and statistics.

**The results achieved and their novelty:** Siddik Rajabov’s activities and ideas related to education and upbringing are classified as a scientific and pedagogical heritage; Siddik Rajabov’s scientific and pedagogical heritage is analyzed from the point of the present state; the efficient forms, methods and means of studying Siddik Rajabov’s scientific and pedagogical heritage were determined; scientific and pedagogical recommendations on efficient using of Siddik Rajabov’s scientific and pedagogical heritage were worked out.

**Practical value:** ideas of the theory, results and worked out recommendations can be used as theoretical manual in higher educational system of the republic. The materials of the research can be used in teaching “Theory and History of Pedagogics”, “Pedagogics” and in organizing a number of special courses as well as in writing textbooks, manuals and qualification papers. And the results of the research can also serve as an important theoretical source for further studying Oriental thinkers’ and republican scientists’ scientific and pedagogical viewpoints.

**Degree of embed:** efficient study of Siddik Rajabov's scientific and pedagogical heritage was achieved.

**Sphere of usage:** the results of the research can be used in the system of higher education.